Малика ЗИЯЕВА

ДУТОР
(Ф.Содиқов ижро услуби)

Тошкент
2008

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА МЕТОДИКА ВА АХБОРОТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

Малика ЗИЯЕВА

ДУТОР
(Ф.Содиқов ижро услуби)



Тошкент
2008

Ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-услубий кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Республика методика ва ахборот маркази томонидан нашрга тавсия этилган.

Маъсул муҳаррир: **С.Бегматов**, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар: **Р.Қосимов,** Ўзбекистон давлат консерваторияси «Анъанавий ижрочилик» кафедраси мудири, профессор;

Т.Маҳмудов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.

Ўқув-услубий қўлланма ўзбек чолғу ижрочилигида, хусусан, анъанавий дутор ижрочилигида бетакрор талқинга эришган ва келажак авлод учун муайян ижро услубини яратиб қолдирган моҳир созанда Ф.Содиқовнинг дутор ижрочилик услубини ёритишга бағишланган.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма мусиқа санъати йўналишида сабоқ олаётган олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилар ва профессионал ижрочилар учун мўлжалланган.

Ответственный редактор: **С.Бегматов**, кандидат искусствоведения, доцент.

Тақризчилар: **Р.Касымов,** заведущий кафедрой традиционного исполнительства Государственной консерватории Узбекистана, профессор;

Т.Махмудов, деятель искусства Республики Узбекистан.

В настоящем учебно-методическом пособии рассматривается ценный вклад выдающегося мастера искусства Фахриддина Садыкова в узбекской инструментальный методики исполнительства, который выработал неповторимую интерпретацию в узбекском традиционном исполнительстве на дутаре и создал определенную методику игры на этом музыкальном инструменте для будущего поколения.

Настоящее учебно-методическое пособие предназначено для студентов высших учебных заведений, обучающиеся музыкальному искусству, а также преподавателям и профессиональным исполнителям узбекской традиционной музыки.

Editor in chief: **S.Begmatov,** Candidate of Art criticism, Assistant Professor.

Reviewers: **R.Kasimov,** Head of the Department of Traditional Performance of the State Conservatory of Uzbekistan, Acting Professor;

T.Mahmudov, Art Worker of the Republic of Uzbekistan.

This teaching methodical manual has been written for the purpose of consideration of Fakhriddin Sadikov's a valuable contribution to Uzbek Instrumental method of performance. The outstanding master of Art Fakhriddin Sadikov created an unique improvisation in Uzbek Traditional performance on Dutar and worked out the definite method of Dutar performing for the future generation.

This teaching methodical manual is meant for the students of High Educational Institutions, learning the Music Art and for the teachers and professional performers of Uzbek traditional music.

МУАЛЛИФДАН

Мусиқа бу – инсонлар ҳаётининг оҳанглардаги инъикоси деб таърифлашади машойихлар. Демак, оламни тасаввур этишда инъикос этувчи воситалар ҳам беозор шаклу-шамойил, гўзал фазилат, беғубор ун таратишга қодир бўлиши шарт. Акс ҳолда бутун мавжудотлар ичида энг олий ҳилқат бўлган инсонда савт этиш ёки ўхшатиш ҳислатининг бўлмаслиги муқаррар. Шу боис ҳам бўлса керак, фақат инсонгина қўли гул, тафаккур эгаси, маънавиятга эга, ижод деган неъматдан баҳраманд этиб яратилган.

Ижод эса мусиқа оламини мўжизакор воситалар бўлмиш сеҳрли чолғулар яратиб, беназир оҳанглар таратувчи созлар билан тўлдирди. Натижада, бугунги кунда инсон ҳаётини мусиқий чолғуларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чолғулар инсоният маънавиятининг бир бўлагига айланди.

Ҳар бир халқ ўз ҳаёти, маънавияти ва анъанаси асосида ўз миллий қадриятларига мос мусиқий чолғулар яратган. Ўзбек халқининг барча удум ва қадриятлари, миллий анъаналарини акс эттирувчи дутор халқимизнинг севимли чолғусидир. Амалиётда, дуторнинг беҳисоб ижрочилик намуналари шаклланганлиги ҳар бир ёшдагилар, жамиятнинг ҳар бир табақасида ўзига хос ўрин топган, халқ орасида энг гўзал ижро намуналари юзага келган.

Мен ҳаётда устоз Фахриддин Содиқовнинг кўрганим ва ундан дутор садоси сеҳрини ўрганганлигимни, менинг бахтим деб тушунаман. Устоз Фахриддин Содиқов менга оталарча меҳрибонлик кўрсатган, ғамхўрлик қилган, ҳаётда кўп машаққатларни енгиб ўтгандагина мақсадга эришиш мумкинлигини тушунтирган. Шу боис, ҳалигача дутор сеҳри, сирларини идроклаш билан яшайман. Катта даргоҳ бўлмиш Ю.Ражабий номидаги мақом ансамблидаги чорак асрлик ижодий, ижрочилик ва ўқитувчилик фаолиятим, консерваториядаги устозлик ва ансамбль раҳбари сифатидаги фаолиятим дуторнинг сирли дардлар хазинаси эканлигини намоён этмоқда десам адашмаган бўламан.

Дутор ижрочилигида забардаст устозлар кўп ўтган. Ҳаммалари ҳам мусиқа маданиятида беназир из қолдирган. Мен, шу устозлар орасида беғубор ва олам-олам сирларга бой ижро услубини бизга мерос қилиб қолдирган устозим, беназир инсон Фахриддин Содиқовнинг ижрочилик услубларини ёритишга жазм этдим. Келажак авлод шу ижро мактабида улғайиб, ундан баҳраманд бўлишини дилдан истадим. Зеро, Фахриддин Содиқовнинг ҳар бир босган пардаси фалсафадир. Уни ижро этиб, ҳис этиб, тинглаб ҳузур қилишга ҳар бир инсон ҳақлидир.

Мақсадга эришиш учун рисоланинг илк қисмида устозлар ва уларнинг ижроларига боғлиқ айрим услубий фикрларни баён этишни жоиз деб топдим. Рисола устоз ижодини ёритишга бағишланганлиги учун ва талабаларда аниқ тассавур этишларига имкон бўлишини кўзлаб иккинчи бўлимда устанинг таржимаи ҳолини баён этдик. Учинчи бобда эса, устанинг дутор ижрочилик услубларига хос жиҳатларини назарий тушунтиришга уриндик. Ўзи аслида буни ёзиш жуда мушкул. Лекин, бу созандаларга туртки ва бошланғич сабоқ бўлишига шубҳа йўқ. Фахриддин Содиқов ижро услубининг талқини жуда мушкул, уни ўзлаштириш учун бу услубни қалбга жо этиш керак. Шу боис, қўлланмада услубий маслаҳатлар сифатида, устанинг услубини ижрода акс эттириш мумкин бўлган белги ва тушунчалар беришни жоиз деб билдик. Бу белгилар эса китобниг кейинги бобидан ўрин олган устани асарларининг нота намунасида ҳам ўз ифодасини топган. Амалдаги мақсадимиз устозимизнинг беназир ижро услублари асрлар оша инсониятга хизмат қилсин, халқимиз маънавиятини бойитсин. Фахриддин Содиқов каби замонамизнинг етук санъаткорлари томонидан яратилган дутор ижрочилик услублари халқ орасида ёйилсин. Жўрабек Сайдалиев,

Комилжон Жабборов, Сайиджон Калонов, Турғун Алиматов каби устозлар ижро услублари ҳам ёш авлодларга ўтсин, келажакда улкан мактаблар яратилсин.

ДУТОР ИЖРОЧИЛИК УСЛУБЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Дутор Ўрта Осиёда кенг оммаллашган чолғу созларидан бири. У ижрочилик амалиётида кенг қўлланиб келинган. Илк бор XV асрда яшаб ижод этган мусиқашунос олим Зайнуллобиддин ал-Ҳусайнийнинг “Қонуни илм ва амали мусиқий” номли рисоласида таърифланган. Амалиётда дуторнинг бир қатор турлари мавжуд бўлган бўлиши мумкин. Лекин, рисолада таърифланган дуторнинг барча хусусиятлари (дастаси, дастага боғланган пардалар, торлар ва созланишлар) ҳозирги амалдаги чолғуга кўп жиҳатдан мослигини эътироф этиш лозим.

Ўзбек халқ чолғулари ижро амалиётида танбур, рубоб, дутор, ғижжак, чанг, най, сурнай, қонун, дойра каби ҳар томонлама мукаммал созлар мавжуд. Ҳар бир чолғу ўзининг шаклланиш ва такомиллашиш тарихига эга. Такомиллашиш жараёнлари чолғуларнинг шакли, овози, овоз диапазони каби жиҳатларига асосланган. Дутор, манбаларда ёзилишига кўра шаклий жиҳатдан ўзгармаган. Дутор чолғулар орасида ўзининг табиати, нозиклиги, сирли садоси билан ажралиб турган. Чолғу садосининг унчалик кескин бўлмаганлиги, майин ва (камер) хонаки овозга эгалиги бунга асосий сабаб бўлган. Бу жиҳатлар айни пайтда ҳам сақланиб қолган. Азал-азалдан дутор кўпроқ аёллар ижро амалиётида кенгроқ оммалашганининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Ўтмиш давомида дутор ижрочилигининг турли йўналишлари юзага келган. Халқ ижодиёти амалиётида, якканавоз ва жўрнавоз соз, ҳаттоки анъанавий услубда ўзининг махсус мақом йўлларини яратишига ҳам сабаб бўлган. Бунга ёрқин мисол Хоразм дутор мақомларидир.

Демак, дутор ижрочилиги ўзининг серқирралиги билан аҳамиятли. XX асрга келиб дутор ижрочилиги профессионал даражада ривожини топди. Якка соз ижрочилиги, айниқса, устозона услубда ўз ўрнига эга бўлди. Бу албатта, дуторнинг ўтмиш ижрочилик амалиётида эришган ижро имкониятлари, халқ орасида дутор ижро анъаналарини расм қилган моҳир ижрочилар ижоди билан баҳоланади. Натижада дутор ижрочилигида воҳа ва шахсий ижро услублари шаклланди ва оммалашди. Бундай ижро услубларининг пайдо бўлиши сознинг инсон табиати қирраларини янада кенгроқ очиб беришга имкон яратди.

Дутор ижрочилигининг кенг оммалашуви ижрочининг самарали меҳнати натижасидир. Шинаванда-тингловчилар бир-биридан сержило, ранг-баранг асарлар ва сирли ижро услубларга ошно бўлиб бордилар. Услублар вақт ўтиб ўз-ўзидан ижро мактабларига айланади. Хоразм дутор ижрочилиги мактаби ёки Қўқон ижро мактаби ана шундай анъаналар асосида юзага келганлиги бегумон.

Дарҳақиқат, мактаб даражасида шаклланиб ривожланган чолғу йўлларининг бир қатор томонлари мавжуд бўлиб, улар аниқ бир тугал мақомга эга бўлган. Биринчидан ижро репертуари, яъни шу услуб доирасида юзага келган мусиқий намуналар ёки асарлар туркумлари. Иккинчидан, асарларнинг таркибий жиҳатлари ва албатта ижрочиликдаги ўзига хос хусусиятлардир. Ушбу принципларсиз ижрочиликни мактаб даржасида тасаввур этиш қийин. Лекин, масалани иккинчи томони, мактаб даражасига эришиш учун вақт, ижод, ижрочилик амалиёти асосий аҳамият касб этади.

Хоразм дутор ижрочилик мактабида юқорида эслатиб ўтилган барча принциплар амалиётда шаклланганининг гувоҳи бўламиз. Амалиётда юзага келган

дутор мақомлари эса, «Шашмақом» ёки «Хоразм олти ярим мақомлари» каби ички мураккаб функционал тартиблардан фарқлироқ, содда ва мақомлар йўлига мансуб ҳолда шаклланганлиги мутахассислар томонидан эътироф этилади.

Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзодалар ўзларининг «Хоразм мусиқий тарихчаси» китобларида «Дутор мақомлари деганда бир тарафдан мумтоз мусиқа, иккинчи томондан эл куйлари дейиладиган маъмулий (амалдаги) бутун бошли асарлар тушунилади» дея таъкидлайдилар.[1] Бундан адабиётларда халқ орасида машҳурликка эришган ва мумтоз йўлда яратилган алоҳида мусиқий намуналар дутор мақомлари дейилган деган фикрга келиш мумкин.

Дутор сози қуйидагича таърифланган ўринлар мавжуд: – «Дутор сози Хоразм ўлкасида халқ орасида танбурдан ортиқмоч суратда тарқалган бўлсада, танбур қадар тартибда интизом остина олинмагандур. Гарчи дутор нағмалари танбур нағмалари қадар бўлсада, танбурга берилган аҳамиятни дутор нағмаларина бера олмаганлар. Чунки, чертилиш ёқидан қараганда танбурдан қийинроқдир».[2]

Бу фикр эса дутор мақом ижрочилигида танбурчалик моҳир бўлмасада, мураккаб ва ўзига хос услубга эга бўлганини баён этади. Шу боис бўлса керак, Хоразм дутор ижрочилик услуби зарбларга бой, ранг-баранг ва энг муҳими Хоразм воҳасига хос «шовқинли» ижро услуби сифатида алоҳида қайд этилади. Бу ижро ўнг қўл ҳаракатларини чолғу қопқоғига ишқалаб чалиш билан характерланади. Ушбу воҳанинг Маткарим Ҳофиз, Жуманиёз ота Ҳайитбоев, Отажон Қўшмо, Шариф Ботир, Нурмуҳаммад Болтаев, Юсуф Жаббор каби машҳур дуторчиларининг ижро йўлларини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Айни пайтда бу ижро йўллари ёшлар томонидан муносиб давом эттирилиши муҳимдир.

Хоразм дутор ижрочилик услубига нисбатан Самарқанд ижро йўли ўзгача эканлиги Абдурауф Фитрат томонидан ҳам қайд этилган. У «Бу кунларда бизнинг энг машҳур дуторчимиз самарқандлик Ҳожи Абдулазиз қўлини тахтага урмай чалғони учун унинг дутори ҳавас билан тингланадир»[3], – деб у самарқандлик Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг дутор ижрочилигида моҳир эканлиги ва нозик бир услуб эгаси эканлигига эътибор бериб ўтади.

Фарғона-Тошкент воҳасининг дутор ижрочилик услублари ҳам жуда ранг-баранг эканлигини айтиб ўтиш лозим. Чунки, бу воҳада ижро услублари кўп. Фақат Қўқон дутор ижрочилик мактабининг ўзигина, ўзига хос анъаналар билан суғорилган. Бу анъаналарни биргина «Қўқонча»[4] асарида ҳам кўриш мумкин. Дуторнинг шахдам шиддатли талқини, зарбларининг ранг-баранглиги, чап ва ўнг қўллар моҳирлиги ва жозибалилиги услуб ижрочилигининг мағзи ҳисобланади.

Ижрочилик мактаблари юзага келишида алоҳида ижро услубларнинг аҳамияти катта. Шунинг учун Фарғона-Тошкент воҳасида биз кўпгина шахсий дутор ижрочилик услублари шаклланганининг гувоҳи бўламиз.

Мусиқа ижрочилиги амалиётида дутор чолғу ижросини меъёрига етказиб, устозлик даражасида фаолият олиб борган бир талай машҳур санъаткорлар ўтган. Зоҳиджон Обидов, Фахриддин Содиқов, Маҳмуд Юнусов, Ориф Қосимов, Ғулом Қўчқоров каби устоз санъаткорлар шулар жумласидандир.

XX асрда дутор ижрочилигининг ривожи айнан мана шу устозларнинг самарали ижодий фаолиятлари билан боғлиқ бўлган. Лекин, ҳар бир санъаткорнинг дутор ижрочилигида ўзига хос чертиш ёки чалиш усули бўлган. Айнан шу жиҳат уларнинг

---

[1] Мулла Бекжон Рахмон ўғли Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси (иккинчи нашр). –Т.: Ёзувчи, 1998. – 47 б.

[2] А.Фитрат. «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» (иккинчи нашр). –Т.: «Фан», 1993. –29-бет.

[3] Қаранг: А.Фитрат. Ўша асар. –28-29-бетлар.

[4] «Қўқонча» – куй номи, амалиётда «Қўқон тановари» деб ҳам юритилади.

моҳир эканликларига асос бўлган. Бу дутор ижро этганда чап ёки ўнг қўл ҳаракатларида ўз ифодасини топган. Ижро амалиётида ҳам шу созанда номи билан муҳрланиб қолган (бу албатта келажак авлодлар учун ўрнак бўлиши ёки эслаб қолиш, ўрганишда осонлик яратиш учун хизмат қилади).

Жумладан, ана шундайлардан бири ўз замонасида моҳир созандалик даражасига эришган, дутор ижроси билан элга танилган Зоҳиджон Обидовдир.

Зоҳиджон Обидов ижрочи бўлиш билан бирга ижод билан ҳам шуғулланган. Шу ҳолат унинг дутор ижрочилигида турли метроритмик усулларни излашига сабаб бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки, Зоҳиджон Обидовнинг дутор ижрочилик услубларида ўнг қўл ҳаракати алоҳида аҳамият касб этган.

Созанда шахсий ижро услубининг негизи ҳам унинг ўнг қўли ҳаракати билан боғлиқ. Қўл бармоқлари ва бериладиган зарбларнинг турли кўриниш ва шакллари ҳамда урғуларни ранг баранг ишлатишда, тескари зарбларни ўрнига қўйиб акс эттириш услубнинг заминидир. Зоҳиджон Обидов асосий диққатни ўнг қўлга қаратиб, куйни ранг-баранг усуллар ва зарблар билан безайди. Асарга жозиба бахш этувчи ҳаракатларни кўпайтиради. Лекин, у чап қўлга эътиборсиз бўлган. Бу услуб ҳам ижрочиликнинг ўзига хос томонлари сифатида амалиётда муҳрланган.

Зоҳиджон Обидов услубига акс характерга эга бўлган, ва эл орасида машҳурликка эришганлардан, таниқли дуторчи созанда, устоз санъаткор Маҳмуд Юнусовдир. Маҳмуд Юнусов дутор ижрочилигида ўзига хос услуб орқали танилган. Бу услуб асосида ўнг қўл ҳаракатининг тўғрилиги, бир хиллик хусусият касб этиши, эластик ҳаракатлардан ва майда зарблардан мустасно эканлиги туради. Лекин услубнинг муваффақияти ва халққа манзур бўлиши чап қўл ижро жозибасида мужассамлашган.

Маҳмуд Юнусов ижрода чап қўл билан ўзбек миллий сайқал ва қочирим-безакларни жуда моҳирона ишлата олган. Бу эса дутордан таралаётган оҳангнинг сержило ва серсайқал янграшига замин бўлган.

Халқ орасида, айниқса, дуторни ўрганиш мезонларида ижрочиликка хос техник жиҳатларни яхши ўзлаштириш доимо самаралилиги билан алоҳида аҳамиятли бўлган.

XX аср дутор ижрочилиги ҳам халқ чолғуларининг академик ижро услуби билан туташганлигини қайд этиш лозимдир. Чунки, бу услуб дутор оиласи чолғулари ривожини юзага келишига сабаб бўлган. Дуторнинг техник жиҳатдан моҳир ижросига асосланган услуб машҳур устоз дуторчи Ориф Қосимов номи билан боғлиқ.

Дутор ижрочилигининг анъанавий йўналишида ўзига хос жозибали услуб инъом этган икки забардаст устозларни эътироф этиш жоиз. Булар халқ ардоқлаган санъаткорлар Фахриддин Содиқов ва Турғун Алиматовлардир.

XX асрнинг 30-йилларидан ўзбек мусиқа санъатида, айниқса ижод ва ижрода янги-янги қарашлар юзага кела бошлаган. Мусиқанинг сеҳри ва жозибаси янада теранроқ ва замона руҳи билан уйғунликда акс эттирила бошланган.

Фахриддин Содиқов ўзининг кўп йиллик ижодий ва ижрочилик фаолиятида ўзига хос дутор ижро услубини келажак авлод учун тақдим этган.

Турғун Алиматов услуби кенг оммалашган ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг дутор ижрочилик услуби, мукаммал тарзда ўнг ва чап қўллар ҳаракатлари бир бирига мутаносиб ҳолда ифода этилишини эътироф этиш жоиздир. Дутор садоси текис, равон ва сержило, жозибали янграшидаги барча жараёнларнинг мутаносиблиги айнан Турғун Алиматов ижро услубининг асосини ташкил этади.

Бу услубда чап қўлдаги ҳар бир сайқал ва безаклар ўнг қўл ҳаракатлари билан муҳрланади. Бир-бирига мутаносиб ҳаракатларнинг ҳар бири тингловчи юрагини тирнаб завқлантиради. Эътиборсиз қолишга илож йўқ, чунки ҳаракатлар оҳанг билан уйғун, оҳанг эса тараннумда гўзал ва жозибали таралади Бу ҳар қандай инсонни мафтун

этади. Турғун Алиматовнинг дутор ижрочилигидаги ўзига хос томонларидан яна бири, бу – танбур ва сато чолғу ижрочилик анъаналарининг дуторга мослаштирилганидадир. Бир чолғунинг имконияти икки ва уч чолғунинг овоз тараннумлари хусусияти билан бойитилса, албатта ундан таралаётган овоз бой, сержило ва забардаст бўлиши бегумон. Бу эса ижрочилик амалиёти учун ўрнак сифатида хизмат қилади.

Замонавий дутор ижрочилиги ранг-баранг услублар билан бойиб, ўз тараққиёти жараёнида ва давр талаби доирасида ривож топиб бормоқда. Бунга, дуторнинг ўқув тизими жараёни, яъни мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув муассасаларининг дастуридан жой олганлиги ҳам мисол бўла олади. Чунки, дутор ўзбек халқининг қадимий ва ҳамиша замонаси билан ҳамоҳанг яшаб келган севимли созларидан биридир.

Дутор азал-азалдан Ўрта Осиёнинг турли воҳаларида ўз шеваси ва анъанаси асосида истеъмолда бўлиб келган. Халқ оммавий ижро йўллари, дайди ёки ёввойи ижро йўллари ҳамда анъанавий мумтоз ижро йўллари доимо халқ дутор ижрочилик амалиётини безаб келган. Дутор аслида, халқона услубга мойиллиги билан мумтозлик даражасигача ривожланган. Дутор халқ чолғу ижрочилик амалиётида ўз ўрнига эга бўлган ва турли чолғулар билан жўрнавозликда, давр маданияти ривожида муносиб ўрин тутган ҳамда керакли чолғу сифатида қадрланган. Шу боис бўлса керак, бизнинг замонамизга келиб дуторнинг хилма-хил таркибий ансамбллари, якканавозликда услублари янада кўпайди. Ёшларнинг бунга ижобий муносабатда бўлиб, уни қабул қилиши қувонарли ҳолдир. Ёшларни дутор ижрочилиги сирларини ўрганишга интилиши эса унинг келгуси тараққиётидан даракдир.

ФАХРИДДИН СОДИҚОВ
(ҳаёти ва ижоди)

Ўзбекистон халқ артисти, бастакор, моҳир созанда, ижрочилик ансамбли раҳбари ва беназир устоз Фахриддин Содиқов 1914 йили Тошкент шаҳридаги Эски Қорёғди маҳалласида ҳунармандлар оиласида таваллуд топган. Ёшлигида ота-онасидан етим қолиб акасининг қўлида тарбия олган. Акаси мусиқа шайдоси, оз бўлса-да хиргойи қилиб, дутор чалишни ҳам биларди. Бундан албатта ёш Фахриддин бебаҳра қолмаган. Балки, ўша даврда эндигина русмга айланган мактаблар қошидаги мусиқа тўгарагига қатнашиш ниятини уйғотган ҳам мана шу ҳолат бўлса, ажаб эмас. У тўгаракда илк устози Нўъмон Қори Мўминзода ўғлидан чанг сози ва унда чалиш сирларини ўрганади.

1927 йилдан 1931 йилгача 4 йил давомида у Тошкент миллий мусиқа техникумида ўқийди. Мана шу даргоҳда у ўзбек мумтоз мусиқаси, мумтоз мусиқа ижрочилигини ўрганади ва ўз замонасининг устоз санъаткорлари ижоди билан яқиндан танишади. У мумтоз мусиқани устози Шораҳим Шоумаров ва Абдусоат Ваҳобовлардан қунт билан ўрганади. Шашмақом ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларини ўзлаштиради. Назарий ҳамда амалий билимини оширишга ҳаракат қилади.

Фахриддин Содиқовнинг бундан кейинги ижрочилик ва ижодий фаолиятига техникумда олган сабоқлар жуда катта асос бўлиб хизмат қилган. Техникумни тугатиш давридаёқ Фахриддин ака чангчи созанда сифатида элга танила бошлайди.

1931 йилда Фахриддин ака созанда ва санъаткорлар макони мусиқали театрга чангчи созанда сифатида ишга киради. Замонасининг энг моҳир ва номдор санъаткорлари билан бирга жамоа бўлиб ишлай бошлайди. Беназир устоз санъаткорлар Абдуқорий найчи Исмоилов, Аҳмаджон қўшнай Умрзоқовлар билан бирга ишлаб мусиқа ижрочилик амалиётини, устозлар анъаналарини ўзлаштиради.

30-йиллар ўзбек мусиқа санъатининг янги-янги босқичлари юзага келган давр сифатида тарихга битилган. Айнан шу йилларда илк ансамбллар, мусиқали театрлар, мусиқа билим юртлари ташкил этилган. Барча устоз санъаткорлар бундай жамоаларга жалб этилган. Фахриддин ака ҳам театрда оз фурсат ишлаб Юнус Ражабийнинг Лутфихоним Саримсоқова билан бирга ташкил этган дуторчилар ансамблига чангчи созанда бўлиб ишга ўтадилар. Ушбу жамоада халқ йўлларига мансуб қўшиқ, терма, лапар, яллаларни устоз Юнус Ражабий билан ўзлаштириб ансамбль аъзоларига ўргатардилар. Халқ мусиқасидаги жозиба айнан шундай намуналарда ўз аксини топганлигини уста кўп такрорларди.

Фахриддин Содиқовнинг айнан шу жамоадаги иши унинг ҳаётда мусиқа ижодиёти билан боғлиқ йўналиши шаклланишига сабаб бўлади. У халқ мусиқа намуналарига қараб, замон руҳида созда қўшиқ ва куйлар ярата бошлайди.

1941 йилда уруш бошланиши билан Ўзбек Давлат филармонияси қошида Гавҳархоним Раҳимова раҳбарлигида фронт концерт бригадаси ташкил этилади. Бу ансамблга Фахриддин Содиқов мусиқа раҳбари этиб олинади. Ушбу бригада бир неча йил жангчиларга хизмат қилади. Фахриддин Содиқов инсон руҳини кўтарувчи, Ватанни ҳимоя этувчилар ва Ватанга садоқатни мадҳ этувчи бир қатор қўшиқлар яратади: «Ғалаба марши», «Мерган Зебихон» (Машраб сўзи). Ундан сўнг: Акмал Пўлат сўзига «Қора байир», Т.Тўла сўзига «Гуллар водийси» ва «Айлансун опанг», М.Қориев сўзи билан «Тўёна» ҳамда «Ватан марши», «Ўзбек вальси» каби мусиқий намуналарни бунга мисол қилиш мумкин.

Фахриддин Содиқов ўзининг амалиётда ўрганган ижрочилигига хос бастакорлик асарларини 50-60-йилларда ярата бошлайди. Унинг Т.Тўла сўзига «Ширмоной», Ҳамза сўзига «Паришон қил», З.Обидовнинг «Дуторим», М.Қориев сўзи билан «Тўй муборак», Бобур ғазалига «Кўрсатмағай», Миртемир сўзига «Бир гўзал бормиш», С.Зуннунова шеърига «Ёр келиб», Уйғун сўзи билан «Ҳаё», Чустий сўзига «Хат ёздиларму» каби кўпгина қўшиқлари ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туради.

1939 йили Фахриддин Содиқов Ўзбекистон радиоси қошида ташкил этилган мақомчилар ансамблига ишга таклиф этилади. Ушбу жамоада у энг машҳур хонанда ва созандалар билан бирга «Шашмақом»нинг барча қисмлари ашула бўлимиларини пластинкага ёзилишида иштирок этади. Мақом ансамбли билан биргаликда радио фондига ёзилган барча асарларнинг ёзилишида ҳам иштирок этади.

1972 йили ўша пайтда Тошкент давлат консерваторияси деб номланган мусиқий санъат олийгоҳида халқ мумтоз мусиқасини ўрганишга асосланган «Шарқ мусиқаси» кафедраси ташкил этилади. Ушбу даргоҳда Фахриддин Содиқов ёш авлодга анъанавий мусиқани ўргатиш бўйича устозлик фаолиятини бошлайди. Шу даврдан бошлаб консерваторияда жаҳон мусиқа маданияти билан бирга ўзбек мумтоз мусиқий меросини ҳам ўргатиш анъанага айланади. Фахриддин Содиқов талабаларга чанг, дутор синфи бўйича ихтисосликдан сабоқ беради. Кўп йиллик иш фаолиятида орттирган тажриба ҳамда мақом ансамблидаги эришган маҳорат Фахриддин Содиқовга ушбу давр моҳир созандаларини тарбиялаб етиштиришида катта ёрдам беради.

1973 йили Фахриддин Содиқов раҳбарлигидаги Шарқ мусиқаси кафедрасининг мақомчилар ансамбли Олмаота шаҳрида ўтказилган III «Осиё минбари» Халқаро мусиқашунослар анжуманида қатнашишга муяссар бўлади. Улар бу анжуманда «Таржи Бузрук» асарини ижро этиб, махсус комиссия томонидан бутун дунё радио корпорациялари орқали тарғиб этиш учун 19 та танлаб олинган асарлар орасидан жой олди. Бу муваффақият аввало мақомларимизнинг жуда катта аҳамият касб этиши бўлса, иккинчидан Фахриддин Содиқовнинг ижрочилик услубидаги маҳоратидир. Қисқа вақт ичида «Шашмақом» намуналарини меъёрига етказиб ижро этишни ўзлаштириш ҳам катта истеъдод талаб этади.

Консерваторияда Фахриддин Содиқов мақом ижрочиларининг янги авлодини тарбиялаб вояга етказишда самарали иш қилди. Чунки, ҳозирги устозлар даражасида фаолият олиб бораётган Ўлмас Расулов, Шавкат Мирзаев, Абдуҳошим Исмоилов, Йўлдош Тожиев, Туйғун Отабоев, Абдураҳим Ҳамидов, Абдураҳмон Холтожиев, Аҳмаджон Абдураҳимов каби забардаст санъаткорларни ижодий йўлга солган айнан устоз Фахриддин Содиқовдир.

Фахриддин Содиқов ўзбек мусиқа санъати ижрочилиги ва ижодиётида сўнмас из қолдирди. Ижрочилик услуби ва яратган 100 дан ортиқ куй ва қўшиқлари ҳамон инсонларга ҳузур ва ҳаловат бахш этиб келмоқда.

Унинг самарали меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб баҳоланди. Фахриддин Содиқов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвони билан ва бир қатор кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР, ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖРО ЙЎЛЛАРИ

Дутор ижрочилиги амалиётидаги ҳар бир услуб муайян жараённи характерловчи хусусиятларга эга. Шу боис ҳам бу алоҳида услуб дейилади. Фахриддин Содиқов ўзбек мусиқа санъатида чангчи созанда ва бастакор сифатида машҳур бўлса-да, дутор чолғу ижрочилигида ҳам беназир услуб яратишга муяссар бўлган санъаткордир. Бунга, Ўзбекистонда илк дуторчилар ансамбли ташкил этилишидан бошлаб, шу жамоа таркибида ишлагани, фаолияти давомида эса энг гўзал, назокатли ва беназир овоз соҳиблари билан бирга ҳамкорлик қилгани ва албатта устознинг ички дунёси асосий сабаб бўлган.

Фахриддин Содиқовнинг ижро услуби ўзига хос. Унинг тараннуми, яъни ҳар бир босилган парда «бир қуруқ» товуш эмас, балки ҳар бири турфа ранглар билан бўялган ёки ранг-баранг безаклар билан суғорилган нақшга ўхшайди. Бу услубда оддий товушни топиш қийин. Куйни ташкил этувчи товушларнинг ҳар бири сержило ва нақшинкордир.

Шу боис, устознинг ижро анъаналарини тўлиқ нотада ифода этишнинг иложи бўлмасада, шунга яқинроқ ва айниқса талабгор созандага қўлланма ёки «дарслик» бўла оладиган услубий маслаҳатларни тавсия этишга жазм этдик.

Дутор ижрочилигида Фахриддин Содиқовнинг услуби беназирдир ва ҳар бир қўл ўзининг бетакрор ҳамда ўзига хос ҳаракатлари билан характерланади. Ушбу услубга хос ҳолда куй ижро этиш учун мусиқий талқиннинг қуйидаги ижро усулларига эътибор бериш, уни тўла ўзлаштириш ва қуйидагиларга асосланиб тараннум этиш мақсадга мувофиқдир: а) ҳар бир парда нақшинкорлиги; б) ортиқча ҳаракатдан қочиш; в) куйнинг бўш жойи бўлмаслиги.

Фахриддин Содиқов ижро услубида ижро этишнинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд ва энг аввало уларни ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Одатда, дутор ижрочилигида чап ва ўнг қўллар ҳаракатлари орқали ўзига хосликка эришилади. Моҳирликнинг ҳам замини шунга асосланган. Устознинг ижро услубларида эса чап қўл ҳаракатининг муҳимлигини эътироф этиш лозим. Чунки, ушбу услубда чап қўл билан босилган ҳар парданинг сайқали мавжуд. Яъни, ҳар бир парда муайян безак асосида ижро этилади. Унга эришиш учун сайқаллар силсиласини тараннум этишга тўғри келади.

Устознинг ижро услубларидан келиб чиқиб, ушбу услубнинг характерловчи ўзига хос жиҳатларини қуйидагича изоҳ этиш жоиз:

1) ижро жараёнида босилган ҳар бир парда нақшинкор;

2) ўнг қўл ҳаракатида ортиқча зарблардан қочиш, яъни зарбсиз садолантириш орқали улардан воз кечиш;
3) бўш, яъни зарбсиз пардаларни садо билан тўлдириш;
4) майин ижро этишга эришиш.

Фахриддин Содиқов ижро услубига мансуб бўлган қўлланмада келтирилган асарларни услуб асосида тўғри ижро этиш учун қуйидаги услубий тавсияларни ҳавола этамиз:

1. П – пастга йўналтирилган зарб;
2. V – юқорига йўналтирилган зарб;
3. – умумий миянғ.Сайқалли парда, қуруқ товуш эмас;

Миянғ[1] – академик ижрочиликдаги глиссаидо ижро услубининг ўзига хос кўринишлари дейиш мумкин. Фахриддин Содиқов ижро услубида миянғ икки кўринишда учрайди. Оддий миянғ ва садоли миянғ. Оддий миянғ ўз ўрнида яна икки кўринишга эга.

4. ⌒ – оддий миянғ. Икки кўринишда келади.
   1) Бир товушни чуқур кашиш билан безаш;



   2) Бир хил баландликдаги иккита товуш оралиғида бир парда баланд товушни садо орқали тараннум этиш, яъни ҳосил қилиш.



5. ⌒ – Садоли миянғ. Нота.



Ушбу безакка ижрочи тўлқинли кашиш орқали эришади.

6. Т↕[2] – терма зарб. Фақат дутор ижрочилигига хос бўлиб, бармоқлар алмашиб, уларни нозик ҳолатда кетма-кет ҳаракатлантириш эвазига эришилади. Ижродаги нота кўринишида қуйидагича ифодаланади;



[1] Миянғ - дутор ижрочилиги безаклар ифодаси учун илк бор тавсия этилмоқда. Ибора Ф.Содиқов амалиётидан олинган

[2] Т – Ижрочилик амалиётида илк бор қўллаш учун тавсия этилмоқда.

7. ТМ[1] – миянғ термаси. Фахриддин Содиқов ижро услубига хослиги билан ажралиб туради. Амалда кенг қўлланилади ҳамда вазият (куй) тақозо этган жойида ишлатилиши билан аҳамиятлидир. Ушбу усулда терма зарб, яъни тўрт зарбнинг биринчиси қолдирилиб (зарбсиз) ижро этилади. Нота намунадаги кўриниши қуйидагича:



Миянғ термасини ижрода амалга ошириш учун терма зарбнинг биринчи товуши миянғ услуби орқали қолганларига боғлаб ижро этилади.

8. – кашиш. Танбур, рубоб ва дутор чолғуларида кўп ишлатиладиган (бир хил услубдаги) ижро безаги.



9. [2] – садоли лига. Икки товуш кетма-кетлигида, иккинчи товуш зарбсиз, чап қўлнинг ҳаракати билан амалга оширилади. Лекин аввалги амалиётчилар нота ёзувида махсус белги ифодасини бермаганлар. Замонавий ижрочилик амалиётига тадбиқ этиш ва нота ёзувида фойдаланиш учун жорий қилиш давр талаби эканлигини эътироф этиб ўтиш лозим. Айниқса, жўрнавозлик ҳамда ансамбль ижрочилиги амалиётида талқиннинг (ижронинг) бир хиллигини таъминлашда жуда зарурдир.

Садоли лиганинг нота ёзувидаги ифодаси қуйидагича:



Фахриддин Содиқовнинг ижрочилик услуби «Садоли лига»ни моҳирлик билан ишлатишда яққол намоён бўлади. Ушбу ижро усулининг заминида зарбли ва садоли миянғ ҳам мавжуд. Унга эришиш учун бармоқлар бир товушдан 0,5 тондан 1 тонгача юқори бўлган иккинчи бир товушга қараб кашиш усули орқали ҳаракатлантирилади.

10. – тўлқинлатиш. Мусиқа ижрочилигида кенг қўлланиладиган ижро усули. Торли зарбли, торли камонли чолғулар ижрочилигида кўп учрайди. Дуторда ҳам ўзига хос ифодасини топган. Ушбу ижро усули чап қўл ҳаракатида (зарб билан ёки зарбсиз) амалга оширилади. Тўлқинлатиш усули ижрога жозиба ва завқ беради. Унга эришишнинг усули парда босишда ярим тонгача бўлган оралиқда товушни тўлқинлатиш орқали амалга оширилади.



[1] ТМ – Ижрочилик амалиётида илк бор қўллаш учун тавсия этилмоқда.

[2] Ижрочилик амалиётида илк бор қўллаш учун тавсия этилмоқда.

ҚЎЛЛАНМАГА КИРИТИЛГАН АСАРЛАР ШАРҲИ

Мақом ўрганиш анъанаси азал-азалдан устоздан шогирдга ўтиб, сақланиб, тарғиб қилиниб келинмоқда. Ҳозирга келиб коллежларда, маданият институтларида, консерваториядаги анъанавий ижрочилик кафедраларида фаолият олиб борилмоқда. Чолғу ижрочилик мактабларида устознинг ўрни жуда ҳам катта. Устознинг албатта шогирдига ўтказадиган катта бир мактаби бўлмоғи, ўзининг йиллар давомида орттирган улкан тажрибаси ва албатта ўзи ҳам муайян бир устоз мактабига тегишли илмни ўрганган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу омил азалдан Шашмақомнинг умумий ижрочилик анъаналари шаклланишига ўз улушини қўшиб келган.

Беназир санъаткор, бастакор, мураббий, етакчи созанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фахриддин Содиқов ана шу анъанага улкан ҳисса қўшган шахс.

Тавсия этилаётган асарларни нотага туширишдан мақсад устоздан ўрганган дуторга мос келган ўзбек халқ куйлари, Фахриддин Содиқов басталаган куйлар, «Шашмақом»нинг мушкилот қисмларидан ансамбль учун қайта ишланган куйларни дуторга мосланган ҳолда ва айнан Ф.Содиқов ижро услубига хос тарздаги намунасини нотада кўрсатиш ва тавсия этишдир. Бу асарлар айнан дутор ижроси учун қулайлиги, устознинг дутор чолғу созини моҳир ижрочиси эканлиги ҳамда дуторнинг беназир ижро услуби мавжудлигини намойиш этиб беради.

Маълумки, ҳар бир чолғу созида мақомлар, ўзбек халқ куйлари, йирик шаклдаги анъанавий мусиқий асарларни ижро этиш турличадир. Бир қатор устозлар ижро этган асарларни таҳлил қилган ҳолда нотага олганлар, яъни улар ўзлари ижро этган чолғу асбоби имкониятларини, қочирим, нолаларини айнан қандай ижро этган бўлсалар, шундайлигича нотага олганлар. Масалан, С.Тахалов анъанавий рубоб ижрочилиги, Р.Қосимов Турғун Алиматовнинг танбур ижросини ва ҳ.к.

Биз ҳам шу устозлар йўлидан борган ҳолда айнан дутор сози имкониятларини, нола, кашишларини, штрих-безакларини очиб берган ҳолда нота ёзувида акс эттиришга интилдик. Албатта ҳар бир ижрочи бу куйларни чалишда қулай штрих-безакларни мукаммал ва равон ўрганиб ижро этади деган умиддамиз.

1. **«Ёр билиб»** – Фахриддин Содиқов мусиқаси, Саида Зуннунова шеъри. Куйнинг номи шеърдан келиб чиққан.

Фахриддин Содиқов ҳар бир куйни, қўшиқларини дуторга таяниб яратган. Аммо, «Ёр билиб» қўшиғига ўзлари дуторда куй чалиб, магнит тасмаларига туширган. Айнан бу куйдаги ижро шу даражада юксак чалинганки, куй қўшиққа нисбатан юқори ўрин тутади. Шундан руҳланган ҳолда бу асарнинг дуторга мосланган намунаси тўпламга киритилди.

Ҳар бир қўшиқни куй қилиб, сўзсиз ижро этганда, шундай ижро қилиш керак-ки, ҳар битта сўзнинг бўғинига зарб тушсин. Яъни ижрочи шу қўшиқни ичида куйлаб ижро қилгандагина, бу куйни меъёрига етказиб ижро қилиши мумкин. «Ёр билиб» асари бунга ёрқин мисолдир.

2. **«Зулайҳо бўлсанг»** – Фахриддин Содиқов мусиқаси. Бастакорнинг услубига хос ёрқин намуналардан бири. Жуда нозик, назокат билан ижро этиш лозим. Серсайқал ва эҳтиросли ижро асарнинг ички характерини очишга ёрдам беради.

«Зулайҳо бўлсанг» асарида устознинг ижро мактабига хос миянғ ва терма зарбларнинг барча намуналари ўта сокинлик билан қўлланилади. Чунки асар характерида сокинлик, хотиржамлик ҳисси намоён бўлиб туриши лозим.

3. **«Ҳаёсини кўр»** – Фахриддин Содиқов мусиқаси, халқ сўзи. Ушбу асар Фахриддин Содиқовнинг бастакорлик услубини тўла намоён этган асарлардан бири. Бу асар куйини яратишда ҳам бастакор сўз матни ғоясига таяниш услубини сақлаган. Шу боис, қизларнинг ҳаёси билан боғлиқ барча чиройли хислатларни оҳанг орқали ифода этишга муяссар бўлган. Куй ўзининг нозиклиги ва беғуборлиги билан дутор табиатига мос. Бунинг устига Фахриддин Содиқов услуби асарга янада назокат бахш этади. Куйни дона-дона ижро услубида, пардаларнинг ҳар бирини оҳанглар билан бойитиб, серсайқал ижро этиш лозим. Нола ва қочиримларнинг чуқур (теран)лигига эътибор бериш талаб этилади.

4. **«Бўз йигит»** – Фахриддин Содиқов мусиқаси, халқ сўзи.

Халқ мусиқаси услубида ёзилган бу асарни бастакор сўз маъноси асосида яратган. Метро-ритмик асоси вазмин уфорни ташкил этади. Усул вазмин уфор, лекин куй жўшқинликка ундайди. Оқибатда ижрочидан ҳар бир зарбни завқ билан дона-дона қилиб, бўрттириб ижро этиш талаб қилинади. «Бўз йигит» куйини дутор ижросини ўзлаштириш жараёнида бошланғич даврда ўргатиш мақсадга мувофиқ. Куйда зарбларни аниқ-аниқ ва пардаларли сайқаллатиб ижро этишга имкон катта.

5. **«Фабрика»** – халқ сўзи ва мусиқаси. Ўзбекистонда фабрикалар яратилиб, халқ ижодиётига кенг эътибор берилган пайтда, яъни XX аср бошларида яратилган қўшиқ. Халқ орасида кенг оммалашганига сабаб – шу давр ижтимоий ҳаётига мос сўз тўқилиб, халқ куйларидан бирига солиб айтилганлигидир. Бир октава оралиғида айтиладиган бу қўшиқ ўзининг нозиклиги, жўшқинлиги ва оммавийлиги билан ажралиб туради.

Куйнинг мавжуд хусусиятлари дутор табиатига мос ва уни очиб беришга қодирдир. Шу боис, «Фабрика» куйи дутор пардасига ҳамда ижрочилигига мослаб, нота намунаси сифатида тавсия этилмоқда.

6. **«Баҳор»** – эски халқ куйларидан бири. Фахриддин Содиқов ижросида ва услубида ўзгача жозиба билан тараннум этилган. «Баҳор» куйининг ўзига хос томони, табиатнинг уйғониш давридаги сеҳрини ва жозибасини намоён этувчи нимпарда оҳангларнинг ранг-баранглигида, оддий ва беғубор зарбларнинг кетма-кетлигида ва содда нолаларнинг гўзаллигидадир. Ушбу асарнинг ижросида ана шу жиҳатларга эътибор бериб талқин этиш лозим. Тиниқлик соддалик ва оддийлик куйга ўзига хос жозиба бахш этади.

7. **«Чоргоҳ II»** – Фарғона-Тошкент мақом йўлларига мансуб «Чоргоҳ» туркумининг иккинчи асари.

Чоргоҳлар «Шашмақом» таркибидаги Дугоҳ мақоми Наср бўлимининг иккинчи гуруҳ шўъбаларига киритилган. Чоргоҳда бўлган намудлар яъни кўринишлар, нимпардалар, нолалар, зарблар ашула матн сўзларининг бўғинларига жуда мос тушади. Албатта, якка созда ижро қилиш учун чолғучидан ўта талабчанлик, маҳорат талаб қилади. Чоргоҳ куйи ҳам устоз Фахриддин Содиқов қандай ижро этиб ўргатган бўлсалар, шу йўсинда нотага туширилди.

Чоргоҳларни туркум шаклда чалиш (I-II-III-IV-V-VI) ҳамда алоҳида-алоҳида асар сифатида ижро этиш дуторга жуда қулай. Айниқса, дуторга мослаб ижро этиш асарнинг янги қирраларини очиб беради.

8. **«Ажам тароналари»** – Фарғона-Тошкент чолғу йўлларига мансуб бўлган ва халқ орасида машҳур чолғу туркумлардан бири. Унинг оммавий ижро, яъни ансамбль талқинига хослиги яққол намоён бўлиб туради. Лекин, ижрочилик амалиётида ғижжак, рубоб, танбур, сурнай каби чолғуларда ҳам якка талқинда кўп ижро этилиши кузатилади. Бу эса асарнинг ҳар томонлама бой анъанага эгалигидан далолат беради. «Ажам тароналари»нинг дуторга мослаштирилишида ҳам ўзига хос мақсад мавжуд.

Бу энг аввало дуторнинг бой имкониятларини кўрсатишга имкон яратади. Иккинчидан, ижрочи дуторда энг мураккаб ва мушкул безак ва штрихларни ишлатишга ҳамда уларни меёрига етказиб ижро этишга ундайди. Учинчидан, ушбу асар дуторнинг ҳамма имкониятларига мослаштирилгандир.

«Ажам тароналари» асари дутор ижрочиларининг ижро маҳоратларини оширишда ва анъанавий услубни эгаллашларида қўл келадиган намунадир. Айниқса, дутор диапозонида равон юриш, ўнг қўл штрихларининг ранг-баранглиги, турланишлари ҳамда оддийдан мураккаб ижрогача бўлган мезонни намойиш этади.

Асар уч қисмдан иборат бўлиб, ҳар бири ўз суръати, усули ва характерига эга. Унга кўра биринчи қисм кескин суръатда, шиддат билан ижро этишни талаб қилади. Иккинчи қисмни жонлироқ ижро этиш лозим. Усули ҳам оммавий характерга эга бўлган уфорга асосланган. Унинг ижроси штрихларга бой ва ўнг қўл ҳаракатларига эътибор бериб шиддат билан ижро этиш тавсия этилади. Учинчи қисм туркум якуни, яъни хотимасидир. Шу боис, унда барча қисмлар мазмунидан келиб чиқиб якун ясалади. Куйда босиқлик ва фалсафийлик ҳукм суради.

9. **«Таснифи Дугоҳ» ва «Гардуни Дугоҳ» –** «Шашмақом» таркибидаги Дугоҳ мақоми чолғу бўлимининг бошланғич қисми. Таснифи Дугоҳни ҳам Фахриддин Содиқов ансамбль учун қайта ишлаган вариантидан дуторга мослаб ёзилди. Яъни ушбу асарни Фахриддин Содиқов қайта ишлаган вариантини айнан дуторда ижро этиб, биринчи бўлиб нотага туширдик. Бу ижро айнан дуторда илк маротаба чалинди. Таржеъ Дугоҳ Таснифи Дугоҳдан кейинги келадиган куй қисми. Бу Таснифи Дугоҳга нисбатан тез ижро қилинади. Таснифи Дугоҳ Фахриддин Содиқов томонидан ансамбль учун қайта ишланган. Дутор ижросида қайта ёзганимизда жуда бир катта фалсафага эга эканлигига гувоҳ бўлдик: ижрочи-чолғучини «Шашмақом» Мушкилот қисмининг мураккаблиги ва ниҳоятда бой пардаларга эга эканлиги ўйлантириб ижро қилишга ундайди. Дутор талқинида ана шу жиҳатларни инобатга олиб ижро этиш лозимдир.

10. **«Ҳафифи Сегоҳ» ва «Гардуни Сегоҳ».** Ҳафифи Сегоҳ – «Шашмақом» туркумидаги Сегоҳ мақоми чолғу бўлимидаги учинчи куй ҳисобланади. Ҳафиф фақат Сегоҳ мақомида мавжуд бўлиб енгил дойра усулларидан бирининг номини англатади. Мазкур асарда Таснифи Сегоҳ ва Таржеъ Сегоҳнинг бир неча куй жумлалари муштарак ҳолда келади ва ўзига хос хусусият касб этади.

«Ҳафифи Сегоҳ» ўз табиати доирасида дутор пардаларига мос келишини эътироф этиш лозим. Асар ўзининг майинлиги, оҳангларининг бир-бирига равон уланиши боис дутор имкониятларини кўрсатиш учун қулай асардир.

11. **«Қашқарчаи Рок»** – «Шашмақом» туркумидаги Бузрук мақомининг ашула бўлимига тегишли II гуруҳ шўъба таркибидаги асардир. «Рок» куйининг қашқарча усулидаги талқини. Ўзининг табиати, куй ва оҳанг таркиби дутор ижросига жуда мос. Айниқса, Фахриддин Содиқов ижро услубида ўзига хос жозибасини топганлигини эътироф этиб ўтиш лозимдир. Ушбу асар дуторга мослаб ноталаштирилганининг ҳам сабаби шунда. Ижро жараёнида созанда «Қашқарча» усулини дутор зарбларига мослигини таъминлаб талқин этиши мақсадга мувофиқдир.

12. **«Чўли Ироқ»** (машқ ироқи) – Фарғона-Тошкент мақом йўлларига мансуб бўлган куйлардан бўлиб, «Шашмақом»нинг олтинчи, яъни Ироқ мақомининг наср бўлими: 1-гуруҳ шўъбаларига киритилган.

«Чўли Ироқ» куйи жуда кўп устозлар томонидан турли чолғу созларда ижро қилинган.

«Чўли Ироқ» амалиётда кўпроқ ғижжак ва найда ижро этилган бўлсада, дуторда ҳам бир қатор моҳир созандалар ўзига хос талқин этишга эришганлар. Жумладан, Маҳмуд Юнусов ва Ориф Қосимовлар. Лекин нотага туширган «Чўли Ироқ» намунаси айнан устоз Фахриддин Содиқовнинг ижро услубига асосланиб, яъни штрихлари, ўнг

қўлининг ҳаракатлари қандай ўрганилган бўлса, шундайлигича акс эттиришга ҳаракат қилдик. «Чўли Ироқ» най чолғу асбобида ўзининг мукаммал талқинини топган. Устоз Фахриддин Содиқовдан ўрганган «Чўли Ироқ» куйи майинлиги жиҳатидан ўнг қўлни териб чалишлиги билан, чап қўлнинг миянғи 1 тон, 1,5 тонгача тортиб ижро этилиши билан ажралиб туради ва устоз мактаби намунаси ҳисобланади.

13. «**Мухаммаси Баёт»** – «Шашмақом» таркибидаги Наво мақоми Мушкилот бўлимига алоҳида қисм сифатида киради. Мухаммасларнинг мураккаблиги шундаки, усуллари ўн олти тактдан ташкил топгандир. Мухаммаслар Наво мақомида учта бўлиб, улар Мухаммаси Наво, Мухаммаси Баёт, Мухаммаси Ҳусайнийлардир. Буларнинг ичида дутор ижросига мос ва энг қулайи «Мухаммаси Баёт» ҳисобланади. Биз Фахриддин Содиқов томонидан ансамблга мослаб қайта ишланган намунасини дуторга мослаб нотага туширдик.

«Шашмақом»нинг Мушкилот қисмларида Мухаммаслардан кейин Сақиллар келади. Уларнинг ҳам усули мураккаб бўлиб, уларнинг усули 24 тактдан иборат. Мухаммас – бешланган, бешлик маъносида бўлиб, бу ном жуда қадим замонлардан маълумдир. Дастлаб бу ибора билан дойра усулининг бир тури, шеъриятда эса беш мисрадан тузиладиган шеър шакли ифодаланган.

14. **«Шафоат»** – ўзбек халқ куйларидан бири, икки қисмдан ташкил топган. Дутор ижрочилигида куйнинг энг эҳтиросли хусусиятларини очиб бериши мумкин. Унинг штрихларга бойлиги ва нафислигига эътибор бериш лозим. Асарни меъёрига етказиб ижро этиш учун созандадан катта маҳорат талаб қилинади. Бу эса дутор имкониятларини ва кўп қирраларини очиб беришга ёрдам беради.

Оддий «**Шафоат»** – устозлар томонидан танбур ва дутор созларида ҳам ижро этиб келинган. Маълумки, танбур жуда катта имкониятларга эга создир. Шафоат куйи бу созларда ижро этилганда сайқалланиб бир-бирини тўлдириб, оҳанглар бир-бири билан жипслашиб кетади. Айнан якка дутор созида «Шафоат» куйи ижро қилинишида дутор имкониятларидан келиб чиқиб, устоздан олган йўлларга таянган ҳолда ижро этиш талаб қилинади.

Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли (1970 йиллар)

Пастда чапдан: Ф.Содиқов (чанг), Ғ.Орипов (ғижжак), Ю.Ражабий (дутор).
Юқорида чапдан: Д.Соттихўжаев (доира), Ш.Эргашев, Б.Давидова, О.Алимахсумов, Х.Қодирова, С.Аминов, И.Катаев, О.Отахонов.

Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли (1988 йил)

Пастда чапдан: Қ.Самадов (доира), Р.Самадов (доира), Н.Зияев (уд), М.Норқўзиев (ғижжак), А.Собиров (най), О.Боқиев, Т.Ғофурбеков, А.Абдурашидов (най), А.Холтожиев (қонун), Т.Маҳмудов (чанг), М.Зияева (дутор), А.Аслонов (танбур).
Юқорида чапдан: Т.Авазов (рубоб), А.Мухаммедов, В.Абдуллаев, Хасан Ражабий, Б.Дўстмуҳамедов, Ш.Исмоилов, Э.Лутфуллаев, А.Назархонов, М.Тожибоев, М.Йўлдошев, Ж.Рахимов, Х.Хасанов, М.Дадабоева, Н.Сатторова, К.Аминова, Г.Эркулова.

Малика Зияева шогирдлари билан

Ф.СОДИҚОВ ИЖОДИГА МАНСУБ ВА ИЖРО РЕПЕРТУАРЛАРИДАН ЎРИН ОЛГАН АСАРЛАРНИНГ НОТА НАМУНАЛАРИ

ЁР БИЛИБ

Дутор сози

Ф.Содиқов мусиқаси




p
mf
mf

ЗУЛАЙҲО БЎЛСАНГ

Дутор сози

Ф.Содиқов мусиқаси

M.M. ♩ = 64




mf
f
1.
rit.

ҲАЁСИНИ КЎР

Дутор сози

Ф.Содиқов мусиқаси




mf
mf
f



БЎЗ ЙИГИТ

Дутор сози

Ф.Содиқов мусиқаси




mf
mf

ФАБРИКА

Дутор сози

Ўзбек халқ куйи





БАҲОР

Дутор сози



Ўзбек халқ куйи

M.M. ♩ = 104




mf
mf


mf
p
mf
mf


mf
mf
p
mf



ЧОРГОҲ II

Дутор
сози




mf
f
mf
f
mf


mf
mf

АЖАМ ТАРОНАЛАРИ I

Дутор сози

Ўзбек халқ куйи




mf
f
f


mf
f


mf



АЖАМ ТАРОНАЛАРИ II

Дутор сози



М.М. ♩ = 88




mf
Бозгўй
mf


Бозгўй
f
p

ТАСНИФИ ДУГОҲ




III хона
Бозгўй
IV хона


Бозгўй
V хона


Бозгўй
VI хона


Бозгўй

ГАРДУНИ ДУГОҲ




Бозгўй

ҲАФИФИ СЕГОҲ




Бозгўй
III хона
Бозгўй
IV хона


Бозгўй
V хона
Бозгўй


VI хона
Бозгўй
VII хона
VII хона
Бозгўй



ГАРДУНИ СЕГОҲ




Бозгўй
III хона
Бозгўй
IV хона


Бозгўй
V хона
Бозгўй

ҚАШҚАРЧАИ РОК



M.M. ♩ = 140

I хона

mf

mf

II хона

p

mf


p
mf
mf
mf
f
mf


mf
p
mf
p
mf

ЧЎЛИ ИРОҚ



M.M. ♩ = 80








mf




p

МУХАММАСИ БАЁТ




II хона
Бозгўй


III хона
IV хона


Бозгўй
V хона


VI хона
VII хона


Бозгўй

ШАФОАТ

Дутор сози

Ўзбек халқ куйи

M.M. ♩ = 92






f
p
mf


mf
mf
mf
mf



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев Р. Традиции музыкального инструментализма Средней Азии и их развитие в условиях современности // «Музыкальное, театральное искусство и фольклор». –Т., «Фан», 1992.
2. Акмалжонова М. Дутор оркестри. –Т., «Ғ.Ғулом» нашриёти, 2004.
3. Алимбаева К., Ахмедов М. Народные музыканты Узбекистана, 1-книга. –Т., «Госиздат», 1959.
4. Атлас музыкальных инструментов народов СССР. –М., 1963.
5. Беляев В. Музыкальные инструменты Узбекистана. –М., «Госиздат», 1933.
6. Вызго Т.С. Музикальные инструменты Средней Азии. –Т., 1980.
7. Дарвеш Али Чангий, Мусиқий рисола (А.Семёнов таҳрири остида). –Т., «Фан», 1978.
8. Кароматов Ф. Узбекские музыкальные инструменты и инструментальная музыка. –Т., изд-во «Г.Гуляма», 1972.
9. Маннопов С. Сўнмас наволар. –Фарғона, 2002.
10. Матёқубов О. Мақомат. –Т., «Мусиқа», 2004.
11. Ражабий Ю. Ўзбек халқ мусиқаси. III том. –Т., 1959.
12. Ражабов А. Зайнуллобиддик Ҳусайний. Қонуни илм ва амали мусиқа. –Д., «А.Дониш», 1987.
13. Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. –Т., «Фан», 1963.
14. Ражабов И. Мақомлар. –Т., «Санъат», 2006.
15. Расултоев Ж. Ўзбек дутор ижрочилиги. –Т., «Ўқитувчи», 1997.
16. Тошпўлатова И. Анъанавий дутор ижрочилиги. –Т., 2004.
17. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. –М., 1926, –Т., 1993.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан 3
Дутор ижрочилик услублари тарихига бир назар 4
Фахриддин Содиқов (ҳаёти ва ижоди) 8
Услубий тавсиялар, шартли белгилар ва уларни ижро йўллари 10
Қўлланмага киритилган асарлар шарҳи 12
Фахриддин Содиқов ижодига мансуб ва ижро репертуарларидан ўрин олган асарларнинг нота намуналари 18
Ёр билиб 18
Зулайҳо бўлсанг 20
Ҳаёсини кўр 22
Бўз йигит 24
Фабрика 26
Баҳор 27
Чоргоҳ II 31
Ажам тароналари 34
«Таснифи Дугоҳ» ва «Гардуни Дугоҳ» 41
«Хафифи Сегоҳ» ва «Гардуни Сегоҳ» 48
Қашқарчаи Рок 55
Чўли Ироқ 58
Мухаммаси Баёт 64
Шафоат 70
Адабиётлар рўйхати 75